

ЁШЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Очилов Қобилбек Мамашукур ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

ва криминология кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7388613>

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олиш ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги энг муҳим, самарали ва инсонпарвар йўналишлардан бири ҳисобланади. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ёшларда қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муносабатини шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш (зарарсизлантириш), ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ёшларни тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш ва шу каби бошқа чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўрт тури: ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси, махсус профилактикаси, яқка тартибдаги профилактикаси ва виктимологик профилактикаси аниқ белгиланган.

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олишни профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг хусусияти бўйича криминологик ва виктимологик профилактикага ажратишни таклиф этади. Ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олиш таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини амалга ошириш фаолияти ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш (криминологик профилактика)га (бунда профилактик таъсир кўрсатиш объекти ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар бўлади) ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланишнинг олдини олиш (виктимологик профилактика)га (бунда профилактик таъсир кўрсатиш объекти ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори шахслар бўлади) йўналтирилади.

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олишини турли мезонлар бўйича турларга таснифлаш кузатилади. Жумладан, криминологияда жиноятчиликнинг олдини олишнинг иккита: умумижтимоий ва махсус-криминологик тури тафовут этилади ҳамда

уларга мансуб чора-тадбирлар жиноятчиликни профилактика қилишнинг бир нечта босқичида амалга оширилиши мумкин. Хусусан профилактик ишларнинг биринчи босқичида жамият ҳаётининг йирик ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларини ҳал қилиш, тарбиявий ва мафкуравий ишларни кучайтириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш; иккинчи босқичида низоли вазиятлар юзага келган ва салбий ҳодисалар содир бўлиши кутилаётган муайян ижтимоий табақаларга профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини қамраб олади; учинчи босқичида жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан индивидуал тарбия-профилактика ишларини амалга ошириш, уларда қонун ва умум эътироф этилган ижтимоий хулқ-атвор нормаларига нисбатан ҳурматни шакллантиришни назарда тутди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва криминология соҳасига доир илмий-назарий адабиётларнинг аксариятида Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида келтирилган таснифни қўллаб-қувватлаш кўзга ташланади. Шу сабабли ҳам, талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларини ҳам тўртга: умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикага ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, юқоридаги Қонун норма-ларида ва илмий-назарий адабиётларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг бу тариқа таснифланиши қандай мезонларга асосланган ҳолда амалга оширилгани аниқлаштирилмаган. Назаримизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жумладан ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларини таснифлашдаги асосий мезон – профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг хусусиятида намоён бўлади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мазмуни ва ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқотларида ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олишнинг уч тури – умумий, махсус ва якка тартибдаги профилактикасини тавсифлашда ҳуқуқбузарлик содир этган, содир этишга мойил бўлган ва ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар профилактик таъсир кўрсатиш объекти сифатида олиндиган бўлса, виктимологик профилактикада ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши мумкин бўлган ва жабрланувчига айланган шахслар профилактик таъсир кўрсатиш объекти ҳисобланади.

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олишни амалга оширувчи субъектлар тўғрисида сўз борганда, республикамизда ушбу субъектлар доираси жуда кенг бўлиб, ўз ичига давлат органлари ва муассасалари (ички ишлар органлари, прокуратура органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, адлия органлари ва бошқ.) ҳамда фуқаролик жамияти институтлари (Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқ.)ни қамраб олади.

Ички ишлар органларининг ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи бўлинмаларини уларнинг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг хусусиятлари ва амалиёт таҳлилидан келиб чиққан ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) бевосита ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи бўлинмалар;
- б) ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи бўлинмалар.

Ички ишлар органларининг ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олишни бевосита амалга оширувчи бўлинмаларига Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича тегишли таркибий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари киради. Маҳаллаларда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш профилактика инспекторлари, шунингдек вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари зиммасига юклатилган.

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олиш бўйича кўрсатилган муаммоларни ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- а) ёшлар ўртасида жиноятлар содир этилишининг асл сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича марказлашган электрон маълумотлар базаси юритилишини йўлга қўйиш;
- б) ёшлар ўртасида жиноятлар содир этилишининг асл сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш ишларининг аҳволини ҳар ойда бир маротаба халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари

сессияларида танқидий муҳокама қилиш ва айбдор шахсларнинг жавобгарлигини қатъий кўриб бориш тартибини жорий этиш.

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни талабларига асосан, айрим ҳудудларда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг кўпайиши, уларнинг жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовузи ортиши билан юзага келади.

Жиноятларнинг махсус профилактикасига таъриф беришда унга ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектларнинг мавсумий ёки криминоген вазиятдан келиб чиқиб, жиноятлар профилактикасига, жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти, дея тавсиф берилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида, ички ишлар органлари тизимида махсус ва тезкор-профилактик режалар ишлаб чиқиш ва қўллаш амалиёти жорий этилган бўлиб, унга кўра ички ишлар органлари вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича – «Ўсмир», «Ойна», «Ғамхўрлик» каби махсус, тезкор-профилактик чора-тадбирлар режалари асосида фаолият юритадилар. Шунингдек, ички ишлар органлари маъмурий назорат остида турган ёшлар тоифалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда – «Назорат», ёшлар ўртасида диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича – «Антитеррор»; ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича – «Арсенал»; одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича – «Орият»; оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича – «Турмуш», паспорт тизими қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича – «Паспорт-виза» каби шартли номдаги махсус ва тезкор-профилактик чора-тадбирлар режаларидан

фойдаланган ҳолда ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириши мумкин.

Ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олиш Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган ёшларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олади.

Ички ишлар органлари ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олиш бўйича ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси доирасида ёшлар билан профилактик суҳбат, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш чора-тадбирларини амалга оширади, шунингдек уларнинг маъмурий назорат ўрнатилганлари билан тегишли профилактик ишларни олиб боради. Шунини айтиш жоизки, мазкур чора-тадбирларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларни қонун талабларига мувофиқ, бир-биридан фарқлаб, тизимли ва ҳар бирига алоҳида ёндашган ҳолда қўллашга боғлиқдир.

Профилактика суҳбати ички ишлар органлари ходимлари, хусусан профилактика инспекторлари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилгани учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришни назарда тутувчи жараён бўлиб, суҳбат давомида шахснинг ўзига хос жиҳатлари, турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

Расмий огоҳлантириш ўтказилган профилактик суҳбат ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил хулқ-атворни давом эттирган ҳолларда қўлланилади. Расмий огоҳлантиришда ушбу тоифа ёшларга кирувчи шахс унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги ёзма равишда

тушунтирилиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликнинг мавжудлиги ҳақида огоҳлантирилади ҳамда шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади (у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади). Расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида шахснинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига хабар қилиниши мумкин.

Ички ишлар органлари якка тартибдаги профилактикани амалга ошириш жараёнида ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган ёшлар ҳақида уларнинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилиши мумкин.

Жамиятда шундай ҳолатлар кузатиладики, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эгаллиги, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёки ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳолати ҳақида кўп ҳолларда у ишлайдиган иш жойи ёки ўқиётган таълим муассасасининг маъмурияти ёхуд яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хабардор бўлмайди. Бу эса ўз-ўзидан ушбу шахс билан меҳнат жамоасида, ўқиш жойида ва маҳаллада профилактик ишлар олиб борилмаслигига олиб келади. Мазкур чорани қўллаш амалиётдаги ана шундай бўшлиқларни бартараф этиш билан бирга, шахснинг юриш-туриши, хулқ-атвори устидан кенг жамоатчиликнинг назоратини ўрнатиш имконини беради.

Ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, содир этган ёшларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштиришда уларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш ҳамда ушбу жараёнда уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдириш чоралари кўрилади. Ушбу чора-тадбирлар якка тартибдаги профилактиканинг энг инсонпарвар ва ижтимоий йўналтирилган чоралари бўлиб, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида мазмунига кўра бошқа чора-тадбирларга нисбатан муҳим аҳамият касб этади. Бунда таянч пунктлари профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари хизмат ҳудудидаги ёшларнинг иш ва яшаш жойи ноаниқ бўлганларини аниқлаш, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган ва меҳнатга лаёқатли соғломларини иш билан таъминлашга кўмаклашади.

Реабилитация жараёнида шахсларга тиббий, касбий ва ижтимоий жиҳатдан тикланишда ёрдам берилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олиш самарадорлиги: биринчидан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виқтимологик профилактикаси чора-тадбирларини мунтазам равишда, тизимли ва манзилли амалга ошириб борилишига; иккинчидан, ушбу соҳада ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари ва муассасалари, жамоат ташкилотлари билан узлуксиз ҳамкорликда иш олиб боришига; учинчидан, соҳага доир илғор иш усуллари ва тажрибаларини, замонавий технологияларни ва дастурий таъминотларни доимий равишда ўрганиш орқали уларни амалиётга кенг жорий этиб боришга боғлиқдир.

